

OPPORTUNITIES TO IMPROVE CORRUPTION IN SOCIETY

Isomiddinov Yunusjon Yusubboevich

Samarkand State Institute of Foreign Languages, Trainee Researcher, Department of
Humanities and Information Technology, Uzbekistan, Samarkand.

Samarkand E-mail: info@samdchti.uz. Tel: +998901915050

Abstract

The article examines the political and legal issues that have been developed to prevent corruption in public administration. It describes the negative impact of corruption on public administration as a subject of philosophical research. In Uzbekistan, opinions on normative and legal documents developed in this area have been studied scientifically.

Key words: politics, public administration, law, corruption, globalization, community, function, initiative.

Кириш

Коррупцияга қарши курашда давлат жуда катта роль ўйнайди. Бундай фалсафий тафаккур билан уйғунлашган фаолиятни ҳар томонлама ривожлантириб бориш, айниқса, халқнинг коррупцияга нисбатан муносабатини камайтириш долзарб ижтимоий фаолликни талаб этмоқда. Шу боисдан фуқаролик жамияти иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин ва мустақил фуқароларнинг бирлашмаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Бу фуқаролик жамиятининг сиёсий ва иқтисодий

асосларини шакллантириш стратегиясини танлаш, унинг ҳуқуқий давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари билан ўзаро муносабатини англатади. Бундай дунёқарашиб Узбекистонда халқ билан давлатнинг бир мақсад йўлида бирлашиши, яъни коррупциянинг олдини олиш борасида ҳамфир эканлигини ҳам кўрсатади. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ташабbusи нафақат давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига, балки аҳолининг фуқаролик фаоллигига қаратилиши керак. Замонавий жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат ва унда яшовчи фуқаролар ўртасида бегоналашиш, шунингдек, бу жамият ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳақиқий ўзаро алоқанинг йўқлигидир. Натижада, фуқаролар ва ушбу тузилмалар ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг давлат сиёсатининг объекти сифатида ҳаракат қилганда, реал алоқалар бўлмайди ва уларнинг давлат ва ижтимоий ҳаёт субъекти сифатидаги

роли рамзий минимал даражага туширилади.

Усул

Давлат ва жамият бошқарувида коррупциянинг олдини олиш ҳар бир мамлакатнинг бош масадларидан саналиб, бунда ўзига хос усуллар асосида фаолият олиб борилади. Тадқиқотда коррупцияга карши курашда муҳим аҳамият касб этадиган объективлик методидан фойдалниб, мантиқийлик асосида ишлаш масаласи зрганилган. Шунингдек, тарихийлик, анализ ва синтез, тизимли функционал ва қиёсий таҳлил сингари усуллардан ҳам фойдаланилган.

Олинган натижалар

Ўзбекистонда коррупцион ҳолатларнинг камайиши бўйича саъи-ҳаракатларимизни кучайтириб, миллий ва маданий меросларимиз асосида фарзандларимизнинг ҳуқуқий тарбиясини ошириш бизнинг бош мақсадимиз саналади. Коррупциянинг салбий ҳолатларини фуқароларимиз онгига сингдириб бориш, жамиятда доимий равишда ҳуқуқий саводхонлик ва эстетик тарбияни, тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиб боришимиз даркор. Бу борада жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, коррупцияга қарши курашища нодавлат ташкилотларининг ролини

кучайтириш, мансабдорларга нисбатан жамиятда ижобий дунёқараш муҳитини шакллантириш ислоҳотларимизда долзарб саналади. Ўзбекистонда 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунда давлатнинг коррупцион вазиятларга муносабатини кучайтиришда мавжуд фуқаролик жамияти институтларига эътибор қаратиш, давлатнинг тараққиёти ва жамиятнинг бошқарувида ҳуқуқий асосга эга тизимнинг яратилишига олиб келди. Бу қонуннинг 5-моддаси жамиятда коррупцион ҳолатларни бартараф этишга қаратилган жамият бошқаруви сиёсатидаги муҳим асос сифатида қўйидагилар ифодаланди:

- "аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш белгиланди"[1].

Демократияни ривожлантириш, жамиятнинг давлат бошқарувида очиқлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш ташаббуслари, авваламбор ҳукуматнинг ўзидан келиб чиқади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг бошқарув фаолияти реал ҳаётда пассивлиги ҳокимиятнинг жамиятдан яқинлигини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Аслида коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институти куйидаги таъсир кучига эга:

Мустақил ихтиёрий ташкилот сифатида кенг жамоатчиликка ҳеч қандай чекловларсиз хизмат кўрсатиш; унинг фаоллашувидан фойдаланиш мақсадида фуқаролик жамияти институти жамоаси коррупцияга қарши ҳаракатларни кучайтириш учун оқилона, онгли, танқидий ва самарали ҳаракат қиласи, жамиятга шаффоф хизмат қиласи, фаол интилишлари билан, адолат ва тенглик асосий тамойилларга айланадиган фуқаролик жамиятини яратишга қаратилган.

Бугунги кунда, халқаро субъектлар ҳамда жамоат арбоблари томонидан тан олинган мамлакатимизда тизимли равишда йўлга қўйилган режа, яъни йўл харитаси ҳисобланган Ҳаракатлар стратегиясида мазкур йўналишда белгиланган ислоҳотларни бажариш юқорида қайд этилган қонун ва қонун ижросини

таъминлашда фуқароларнинг доимо фаоллигини таъминлаш мамлакатимизда фуқаролик жамиятни ривожлантиришга хизмат қиласи.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ташаббуси нафақат давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига, балки аҳолининг фуқаролик фаоллигига қаратилиши керак. Бу борада давлатимиз раҳбари фикр билдиран эканлар “Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим”[2], - дейди. Замонавий жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат ва унда яшовчи фуқаролар ўртасида бегоналашиш, шунингдек, бу жамият ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳақиқий ўзаро алоқанинг йўқлигидир. Юртимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этишлари, бу иллатнинг хавфли томонларини каттаю-кичикка етказиб беришни фуқаролик бурчи сифатида қабул

қилиш долзарб ижтимоий фалсафий ёндашувни талаб этади.

Бундай долзарб ижтимоий аҳамиятга молик мсалада жамиятда фуқароларимизда порахўрликка қарши иммунитетни шакллантиришимиз, барча қўринишдаги жиноятчиликларга нисбатан нафрат туйғусини кучайтиришимиз муҳим саналади.

Давлат ва жамият бошқаруvida коррупцион ҳолатларни бартараф этиш боарсида ҳар бир шахсни бу фаолиятга жалб этиш механизмларини ишлаб чиқишига эътибор қаратиш лозим. Чунки кўпинча фуқароларимизда коррупцион ҳолатларга нисбатан бефарқилк кайфияти, баъзида эса ўзининг ҳуқуқлари паймол этилишига йўл қўйиб бериши, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлиги панд беришига олиб келади. Бунга эришиш учун ҳар бир фуқаронинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан коррупция соҳасидаги ҳамкорликлигини замонавий билимлар асосида ташкил этиши зарур бўлади.

Жумладан, Ўзбекистонда бу соҳадаги ишларни ташкил қилишда "Жамоатчилик назорати", "Ижтимоий шерикчилик", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ижросини жамиятда таъминлашда давлатнинг

таъсирини кучайтириш, ҳар бир мансабдор шахснинг фаолиятини холисона баҳолаш орқали тизимни ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Давлат бошқаруvida коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда барча давлат хизматчилари бирдек масъулият билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги шерикчилик фаолиятини йўлга қўйиш ва бу соҳанинг ташкилий-амалий хусусиятларини аниқ шартнома тузиш йўллари билан амалга ошириш коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Шу нуқтаи назардан давлатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳати, аввало жамиятда фуқароларга қайсиdir йўллар билан таъсир қилиш бўлмасдан, бунда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси ва конституцион ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишга қаратилган институтларнинг таъсири кучли бўлса, иккинчидан, жамиятда уларнинг фаолиятини тизимли ишлашига доир ижтимоий механизmlар ва имкониятларни яратилиши орқали намоён бўлади[3]. Бизга маълумки, давлатнинг бошқарувини такомиллаштириш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

"Жамоатчилик назорати түғрисида"ги Қонун асосида давлат ва нодавлат ташкилотларининг жамоатчилик назоратини кучайтиришда асосий субъектлар сифатида белгиланиши, ўз навбатида фуқаролик жамияти институти фаолиятини ўзгартириш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш вазифасини қўйди.

Шу асосда Президентимизнинг 2018 йил 5 майда "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари түғрисида" алоҳида Фармони қабул қилиниб, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу Фармоннинг ижтимоий ҳаётга тадбиқи Президент ҳузурида давлат ва нодавлат ташкилотларининг барча соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликка қаратилган жамиятдаги барча ҳаракатларни фуқаролик жамиятини институтларини шаффофтизим асосида бирлаштирувчи Маслаҳат кенгашининг ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳоннинг барча давлатлари томонидан амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг қизиқишиларини янада кучайтириш борасида ўз вакиллари ва жойлардаги нодавлат ва нотижорат ташкилотларини жалб этиш орқали турли соҳаларда қонун

хужжатларининг жамиятда амал қилиши юзасидан жамоатчилик назоратининг ҳам ролини кучайтириш чораларини кўриш лозим.

Шунингдек, ҳар бир соҳада коррупциянинг олдини олишга доир аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш орқали коррупциянинг камайишига эришиш мумкин бўлади.

Тавсия ва холосалар

Ҳар бир коррупциянинг олдини оловчи орган ҳузурида узлуксиз равишда коррупция билан курашувчи тизимни кучайтириб бориш, ижтимоий ҳаётда бўлаётган ҳодисаларга нисбатан фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳамда бошқа идоралар билан тизимли ҳамкорликни амалга ошириш, билимли ёшларни ишга олиш, жумладан, раҳбарликка номзод кадрларни танлашда коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонун хужжатлари бўйича ижтимоий-психологик усууллар орқали ўрганишини жорий қилиш давлат органлари фаолиятида шаффофтик ва ҳалолликка эришиш муҳим жараён ҳисобланади. Давлат ва жамият бошқарувидаги бу жараённинг ривожланиши фуқароларда қонунга ҳурмат ва воқеликка нисбатан холисона ижтимоий муносабатларни шаклланишига хизмат қиласди.

Коррупцияга қарши кураш механизмларидан бири бу салбий ҳолатга қарши турадиган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришdir. Аммо ҳозирги босқичда фуқаролик жамиятининг иштирок этиш шакллари ва механизмлари деярли аниқланмаган, бу, албатта, фуқароларнинг бу борадаги фаоллигига таъсир қилади. Яна бир муаммо, жамият ҳар доим ўз вақтини ва кучини коррупцияга қарши курашишга сарфлашни хоҳламаслиги билан боғлик ва бунинг бир неча сабаблари бор - унинг самарали бўлишига шубҳа, катта харажатлар ва қўрқувнинг борлигидир.

Фуқаролик жамияти институтларининг қарши курашдаги такомиллаштиришдаги механизmlар сифатида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:
- аввало моддий рағбатлантириш. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан фош этилган коррупцион ҳолатнинг салбий таъсир кўламидан келиб чиқиб унинг маълум бир қисмини фош қилган институтга бериш. Мана бизда оддий фуқаролар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган қоидабузарни ҳатти-ҳаракатини фидиога олиб жўнатса, белигиланган жаримадан улуш олиш амалиёти жорий қилинди. Бугунги кунда буннiga турли хил муносабатлар

бўлмоқда. Бир томондан бу ҳам табиий бундай янгилик бирданига урқ бўлиб тез самарасини бермайди, албатта, аммо муҳими ҳайдовчида маъсулият ошади.

Иккинчи механизм сифатида тийиб туриш тизимини такомиллаштириш муҳим. Бунда ҳокимият субъектлари фаолиятини максимал шаффоғлигини таъминлаш орқали унинг фаолиятини фуқаролик жамияти институтлари томонидан назоратни жорий қилиш ва ҳокимиятнинг фуқаролик жамияти институтларига ҳисобдорлик механизмини ҳам шакллантириш муҳим.

Учинчи механизм сифатида фуқаролик жамияти ва ҳокимият ўртасидаги ратацияни кенг жорий қилиш муҳим. Одатда бизда ҳокимиятдан кетиб фуқаролик жамияти институтларида фаолият юритувчилар жуда қўп бироқ тескариси жуда кам. Ана шу номутаносибликни тугатиб масаласига тизимли ёндашилиб ротацияга ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчи механизм сифатида жамоатчилик назоратининг ролини ошириш. Жамият бошқарувида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Конундан келиб чиққан ҳолда барча соҳаларда коррупцион ҳолатларга нисбатан фуқароларнинг ижтимоий тафаккурини шакллантириш, барча

таълим муассасаларида бу қонуннинг моҳиятини ўқувчиларга чуқур сингдириб бориш муҳим омил саналади.

Давлат ва жамият бошқарувида ижобий тафаккур орқали мавжуд муаммоларга қарши кураш олиб бориш, айниқса, коррупцияга нисбатан ҳар биир фуқарода ўзининг эркин дунёқарашига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар негизида барча соҳаларда коррупциянинг олдини олиш, бу борада жойларда изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётда қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана шундай муҳим аҳамиятга молик жараён сифатида “коррупцияга қарши курашнинг энг йўлларидан бири давлат бошқаруви органлари раҳбар ходимлари маданиятини ошириш, уларни ватанпарварлик, масъулиятлилик руҳида тарбиялаш бўйича маърифий ишларни кучайтириш ҳисобланади”[4].

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июнданги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги чиқарган фармонидан келиб чиқсан ҳолда юртимизда коррупцион ҳолатларнинг олдини оладиган

Агентликнинг фаолияти йўлга қўйилиши бу борада долзарб ижтимоий тизимга айланди. Ушбу Агентликнинг коррупцион ҳолатларни бартараф этиш борасида жамият бошқаруви тизимини такомиллаштиришни кўзда тутган ҳолда, барча соҳаларда давлатнинг ислоҳотларини қонун асосида амалга ошириши учун муҳим механизмга айланди. Бу агентликнинг тўғридан-тўғри давлат раҳбарига бўйсуниши ва Олий Мажлиснинг палаталарига олдида ҳисоб бериши белгиланди. Бу Агентлик бевосита республикамизда ва ҳалқаро миқёсда давлатнинг коррупцияга қарши курашиши доирасида ички ва ташқи манфатларини ҳимоя қиласи. Давлатнинг жаҳондаги имиджини ошириш учун ўз ваколатлари доирасида коррупция ва жиноятчиликка қарши қонунчилик негизида фаолият олиб боради.

Ушбу Агентликнинг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган:

- давлат бюджети маблағлари, давлатнинг активларини тақсимланиши, инвестицион лойиҳаларга маблағ ажратилиши ва ҳукумат дастурларининг ижроси юзасидан доимий назорат ва мониторинг олиб бориш;
- фуқаролар билан коррупциянинг олдини олиш бўйича юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар томонидан қилинган мурожаатлар

юзасидан доимий равишда қонуний фаолиятни йўлга қўйиш;
-доимий равишда ташқи ва ички фаолиятда коррупциянинг пайбо бўлиш манбалари ва ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиши юзасидан маъмурий назоратни кучайтириш;
-давлатдаги бошқарув органлари, хўжалик субъектлари ва амалдорлар фаолиятининг мониторинги асосида коррупцияга мойиллик мавжуд бўлганда улар ижросига доир мажбурий тарздаги тақдимномалар тайёрлаш.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонни коррупциядан холи жамиятни шакллантириш борасидаги изчил ҳаракатлари жамиятда амалга оширилмоқда. Мана шу йўлда барчамиз фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз, барча қабул қилнаётган қарор ва меъёрий хужжатларнинг ролини фуқароларга етказишимиз лозим. Бундай ишларни қилмайдиган бўлсак, акс ҳолда давлат ривожига хизмат қиласиган баъзи бир ютуқларимиз самара бермай қўяди. "Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгida, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва

қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндиғина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради. Ахир, жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзтубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?"[5].
Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда башқарув тизимини кучайтиришда давлат органлари, нодавалат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти ҳамда бошқа институтларининг соҳага доир режаларини амалга ошириш, ҳалақит қилаётган омилларни камайтириш ва уни йўқотиш борасида ижтимоий механизмлар самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.
Биринчидан, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ташаббуси нафақат давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига, балки аҳолининг фуқаролик фаоллигига қаратилиши керак;
Иккинчидан, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда давлат бошқарувида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ишларини ташкил этишда бу салбий иллатнинг

таъсирини камайтириш ишларининг самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситалари билан давлат ташкилотлари ўртасидаги фаолиятда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш, маънавий-маърифий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга қўйиш коррупцияга қарши курашишга доир дастур ва режалардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқdir; учинчидан, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларни ташкил қилишда "Жамоатчилик назорати", "Ижтимоий шерикчилик", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ижросини жамиятда таъминлашда давлатнинг таъсирини кучайтириш, ҳар бир мансабдор шахснинг фаолиятини холисона баҳолаш орқали тизимни ривожлантириш долзарб ҳисобланади; тўртинчидан, давлат ва жамият бошқарувида барча соҳаларда ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб, "Ахлоқ-одоб қоидалари"ни тасдиқлаш, бу қоидаларнинг алоҳида бўлимида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга доир янги ғояларни тадбиқ этиб бориш лозим. Чунки жамиятда фуқароларда адолат, пок

виждонлилик, иймон, эътиқод тушунчаларига муносабат кучли бўлса, бу ўз-ўзидан коррупциянинг олдини олишга хизмат қиласи; бешинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашдаги фаолиятини такомиллаштиришдаги муҳим механизмлар сифатида моддий рағбатлантириш, тийиб туриш тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти ва ҳокимият ўртасидаги ратацияни кенг жорий қилиш, жамоатчилик назоратининг ролини ошириш долзарб ижтимоий масала саналади; олтинчидан, коррупциянинг салбий ҳолатларини фуқароларимиз онгига сингдириб бориш, жамиятда доимий равишда ҳуқуқий саводхонлик ва миллий тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиб боришимиз даркор. Умуман олганда, жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, коррупцияга қарши курашишда нодавлат ташкилотларининг ролини кучайтириш, мансабдорларга нисбатан жамиятда ижобий дунёқараш муҳитини шакллантириш ислоҳотларимизда долзарб бўлиб, инсондаги фалсафий тафаккур оламини бойитиш, аждодларимиз маънавий меросидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

рўйхати

- 1) "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2017 йил 3 январь. www.lex.uz.
- 2) Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент, Ўзбекистон, 2019. 65-бет.
- 3) Руденкин В.Н. Роль СМИ в профилактике и противодействии коррупции: опыт США // Известия Уральского федерального университета. Серия 1: Проблемы образования, науки и культуры. 2012. Т. 101. №2. С. 9-14.
- 4) Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Фофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. 448 б.
- 5) Яхшиликов Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. Чўлпон НИМИУ, Тошкент, 2018. -684 бет.